

УЛУҒ НАВОЙГА ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

Темурийлар ренессансининг даҳо сўз санъаткори, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг муҳташам ҳайкали Адиблар хиёбонида янги Ўзбекистонга хос услубда қайтадан бунёд этилди.

Адиблар хиёбонининг илк фахрли меҳмони Президентимиз бўлди ҳамда улуг Навоийнинг муҳташам ҳайкали пойига чўдек ёниб турган атиргуллардан иборат гулдастани армугон қилди.

Буюк мутафаккир хиёбон тўрида, баланд кўшқдан туриб, атрофга ўзига хос салобат билан боқиб турибди. Бошқа мумтоз ва замонавий шоир ҳамда адиблар ҳайкаллари эса улуг бобомизга қаратиб ўрнатилган. Зеро, улар Алишер Навоийга эргашиб қалам тебратган, руҳланган, илҳомланган, уни ўзларига увайсий устоз, деб юксак қадрлаган.



Мулоҳаза

Бир умр нафақат сўз мулки, кўнгли мулкнинг, балки юрт, халқ, олам аҳли, мулк ишининг ташвишчи чеккан, манфаатини ўйлаган, эзгулики тараннум қилган улуг Навоийнинг дурдона асарларини мутолаа қилар эканмиз, унинг лирик ва насрий асарлари хотимасида ёки фасоҳатли шеърлари мақтасида "мени дуода ёд, фотоҳада шод этинг", деб битган рамзий маънодаги васиятга кўзимиз тушади. Кувон шулки, боқий Навоий васияти хануз амалда, икродоки, бунинг амалий исботининг бир гўзал намунаси Адиблар хиёбонининг мазмун-моҳиятида муҳассам.

Бу ерга ёдгорликлари ўрнатилган ижодкорларнинг ижоди ва фаолиятини ўрганар эканмиз, уларнинг улуг мута-

факкир ҳаёти ҳамда асарларидан адабий таъсирланганига гувоҳ бўламиз.

Масалан, шох ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ҳирот сафарига юрар экан, йигирма кун мобайнида устози Навоийнинг "Унсия" номи билан машҳур бўлган уйда яшаган. Унга юксак иҳлос билан қараган. Бобур навоий-шунос сифатида муҳташам "Бобурнома"да у ҳақида йигирмага яқин ишонли маълумотларни мароқ билан ёзиб қолдирган. Ҳатто китобда тасвирланган тарихий шахслардан биринчи бўлиб Навоий номини учратамиз ва рамзий маънода "Бобурнома" унинг азиз номи билан бошлангандек туюлади. Бобур Навоий номининг дунёга ёйилишида улуг хизмат қилган. Яъни турли давр-

ларда "Бобурнома" Европа, Шарқ ва бошқа дунё тилларига таржима қилинар экан, демак, жаҳоннинг бошқа халқлари Бобур маълумотлари асосида ҳам Навоий ҳаёти, шахси, ижодини таниш бахтига мушарраф бўлди. Бобур "Аруз рисола"сида ўзининг аруз борасидаги илмий, назарий фикрлари исботи учун унинг шеърини девонларини мутолаа қилиб, кўглаб шохбайтларидан унумли фойдаланган.

Адиблар хиёбонидан ҳайкали жой олган Отаҳийи улуг Навоийга қайси жиҳатлар боғлаб туради? Хоразми адабий муҳитининг атоқли шоири, муаррихи, араб ва форс тилида битилган, Шарқда машҳур бўлган 19 та нодир асарнинг моҳир таржимони, хонлиқнинг бош

мироби Отаҳий, аввало, боқий Навоий ижоди, хусусан, девонлари аъналаридан таъсирланиб, "Таъъиз ул-ошиқин" номли муҳаммад девон тусида. Ўз девонига устози Навоий каби бетакрор дебона битди ва унда ўзининг адабий, маърифий, фалсафий, эстетик қарашларини, орзу-ўйларини баён қилди. Яхшиликнинг рамзи бўлган сўз, қалам тилсоллида эса адабиётнинг куч ва қудрати, фойзини баддий талқин этди. Иккинчидан, у улуг Навоий сингари лирик турнинг ўн олти жанрида маҳорат билан бемалол қалам тебратган ягона шоир ҳисобланади ҳамда улуг устози газалларига гўзал муҳаммаслар битди, тахмислар боғлади. Учинчидан эса муаррих Навоийнинг тарихий асарлари оҳанг ва услубида бир-биридан қимматли бешта тарихий асар ёзди.

Адиблар хиёбонидан ҳайкали жой олган Қўҳон адабий муҳитининг моҳир шоири Фурқат ҳаёти ва ижодига боқий Навоий шахси ҳамда асарлари қандай маърифий, адабий таъсир қилгани ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Фурқат ўзининг "Саргузаштнома" номли насрий асарида улуг Навоий билан боғлиқ бир воқеани тасвирлайди. Сўжет баёнига кўра, бола Фурқат тушида улуг шоирнинг бир гўзал боғда салафлари билан суҳбатлашиб ўтирганини, унинг халқ ва мадраса аҳли орасида "Чор китоб"

номи билан машҳур бўлган, ўзбек (туркий) тилида битган "Ҳазойин ул-маъоний" девонини қўлига олганини ва ҳазрат Навоий уни кулуг дуо қилганини, ижод қилишга ундаганини кўради. У тонгда туриб, устози уйига шоҳади, табарруқ тушени тўқинланиб унга айтиб беради. Маърифатли устози эса Фурқатнинг пешонасидан ўлиб, хосиятли туш кўргани билан табриқлайди ва у ҳам кўл очиб, шогирдини олқишлаб, дуо қилиб, омад тилайди. Қарангли, бола Фурқат улуг Навоий руҳидан маънавий мадад олиб шеърлар ёза бошлайди ва сурони йиллаш ўтиб, у Қўҳон адабий, маданий муҳитининг таниқли шоирига айланади. Улуг устози Навоий газаллари таъсирига қатор муҳаммаслар ёзди.

Адиблар хиёбонидан ҳайкали ўрнатилган таниқли шоир, таржимон, драматург Мақсуд Шайхзодадининг Алишер Навоийга меҳри ва ҳурмати бўлакча бўлган. У улуг Навоий ҳаёти ва ижодига дунда хайратланиб, уни тадиқ қилиб илмий характердаги ўттизта мақола битди. Буюк шоирни "Ғазал мулкнинг султони" дея шарафлади. Бундай юксак баҳо, сифатлаш бизга шох ва шоир султон Ҳусайн Байқаро "Рисола" номли асарида дўсти улуг Навоий шарафига битган рубоийи ва рубоий матида унга чексиз ҳурмат кўрсатиб, шоирни "Сохибқирон", "Қахрамон" деб атаганини ёдига солади.

Хулоса шуки, Адиблар хиёбонининг ташкил қилиниши, бир томондан, Янги Ўзбекистон шароитида адабий, маърифий, маданий ишларнинг, иккинчи томондан, юртимизда улуг Навоийга ҳурмат-эҳтиромнинг янги босқичга кўтарилганини ифодалайди. Шу билан бирга, мумтоз ҳамда замонавий адиблар ҳаёти ва ижоди, дурдона асарларида яратилган образлар, илгари сурилган улуғбашарий гояларни ўқиб-ўрганиш замонамиз ёшлари таълим-тарбияси учун нечоғли зарур эканлигини ҳам билдирди.

Бурбия РАЖАБОВА,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабий музейининг
этакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди.